Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (13.089)

Баҳоси эркин нархда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 4 февраль куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад – сизлар билан кўришиб, ҳол-аҳволингиздан хабардор бўлиш, ўз ечимини кутиб турган муаммолар, қийинчиликлар ҳақида фикр алмашиш ва олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқлаб олишдан иборат. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласини кўриб чиқсак, айни муддао бўлур эди, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга бўлган марказий вилоят сифатида Ўзбекистонимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади.

Шу борада айрим мисолларни олиб келадиган бўлсак, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоизидан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келишининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу заминда жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, дунёга машҳур "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодиётининг локомотивлари, десак, адашмаган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу корхоналар юртимиз бойлигига бойлик қўшаётган, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Айни вақтда Тошкент воҳасининг энг катта бойлиги – бу аввалambор кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму шижоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқидир, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз юртига меҳр ва садоқат билан яшаётган бу элнинг муносиб фарзандлари, уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз, жамиятимиз томонидан юксак баҳоланиб келинаётгани сизларга яхши аён, албатта. Фақат кейинги уч йилда Тошкент вилояти бўйича 100 нафарга яқин ана шундай инсонлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани мисолида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Барчамизга маълумки, Тошкент вилояти – оддий вилоят эмас, у аввалambор пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу заминда катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ҳали-бери ечилмаган кўпгина муаммолар, қанча-қанча муҳим вазифалар олдимизда тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деди Ислом Каримов.

Бу воҳадаги ер ости ва ер усти бойликларидан тўла ва оқилона фойдаланиш, уларни аввало шу гўзал, бетакрор заминда яшаётган одамлар, бутун халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиб, фаолиятимизни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш, вилоятнинг узоқ ва давомли режаларини амалга ошириш учун бу йўлда учрайдиган турли қийинчиликларни олдиндан кўриб, уларни бартараф этишга тайёр бўлишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бугунги, балки эртанги кун ҳақида бош қотириш, халқимизни, жамоатчиликни айни шу мақсадларга сафарбар этиш барчамизнинг, биринчи навбатда, ўзини раҳбар деган, одамлар унга ишонч билдирган шахсларнинг асосий бурчи, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшиласиз, деди Президентимиз.

Сизларга яхши маълум, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда ўтган йилда эришган натижаларимиз атрофлича муҳокама қилиниб, жорий йил ва истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларимиз аниқлаб олинди. Хусусан, 2030 йилгача мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириб, унинг таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказишни биз ўзимиз учун стратегик вазифа сифатида белгилаб олдик, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундай улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш ҳақида сўз юритар эканмиз, шу борада ҳаётимизни ҳар томонлама янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган дастурларни жорий этиш учун қай даражада етарли замин яратганимиз, жумладан, 2015 йилда Тошкент вилоятида эришган марраларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади.

Бу ҳақда сўз борар экан, аввало, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 13 фоиздан зиёд ўсгани, экспорт бўйича прогноз кўрсаткичи бажарилганини таъкидлаш лозим.

Тошкент вилоятининг саноат соҳасидаги салоҳиятини изчил ривожлантириш дастурига асосан кейинги уч йилда 1 минг 50 та лойиҳа амалга оширилди. Шу аснода 2 триллион 700 миллиард сўм ва 532 миллион доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани биз учун айниқса муҳимдир. Шулар қаторида Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, табиий газни икки баробар кам сарфлайдиган буғ-газ қурилмаси барпо этилганини қайд этиш зарур.

Бу ишларимизнинг давоми сифатида ҳозирги вақтда тоғ-кон саноати, кимё ва нефть-кимё саноатида қиймати 2 миллиард 558 миллион долларлик 26 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" корхонасида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мақсадида умумий қиймати 136 миллион доллардан зиёд 3 та лойиҳани жорий йилда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоятида саноат соҳасида эришилган бундай катта ютуқ ва кўрсаткичлар, 2016 йил учун белгиланган режалар барчамизга мамнуният етказади, деди Президентимиз.

Мажлисда бугун замон қандай тез ўзгараётгани, илгари дуч келмаган турли-туман муаммо ва қийинчиликлар олдимизда пайдо бўлаётгани бутун мамлакатимиз қатори Тошкент вилоятида ҳам ишимизни янгича ташкил этиб, унинг самарасини тубдан оширишни, эскича ёндашувлардан, ўз умрини ўтаб бўлган иш усулларидан бутунлай воз кечишни талаб этаётгани алоҳида қайд этилиб, Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишларга айни шундай танқидий кўз билан қараб, кўпгина йўналишларда ҳали-бери ечилмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Аввало, вилоятдаги мавжуд 14 та туманнинг 7 тасида маҳаллий бюджет харажатлари субвенция, яъни, берилаётган молиявий ёрдам ҳисобидан қопланаётганига эътибор қаратилди. Кўпол бўлса ҳам айтишга мажбурмиз – бундай кайфиятлар тобора сурункали тус олиб, боқимандаликка айланиб бораётганига қачонгача чидаш мумкин, деб сўрашнинг вақти келмадими, деди Ислом Каримов.

Мисол учун, Бекобод туманида маҳаллий бюджет умумий харажатларининг 44,1 фоизи, Қуйичирчиқ туманида 43,2 фоизи, Оққўрғон туманида 42,2 фоизи, Бўка туманида 42,1 фоизи дотация ҳисобидан қопланаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Паркент, Юқоричирчиқ, Чиноз туманларида саноат ривожига, янги иш ўринларини яратиш масаласига бепарволик билан қаралаётгани ва бу туманларнинг вилоят саноатидаги улуши 1 фоиздан ҳам паст бўлиб қолаётганини изоҳлашнинг ўзи қийин, деди Юртбошимиз.

Шунингдек, вилоят ҳудудидаги 20 та йирик саноат корхонасида ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган, 2 та корхонада эса маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Лекин маҳаллий раҳбарлар вазиятни ўнглаш ҳақида ўйлаётгани йўқ.

Қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, улар кўпинча белгиланган муддатда ўз эгаларига топширилмаяпти. Умуман айтганда, бу уйларни қураётган пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси, уларни техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабга мутлақо жавоб бермаслиги бундай нохуш ҳолатга сабаб бўлмоқда ва топширилаётган уйларнинг сифатига, одамларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сессияда иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи ҳақида сўз юритилар экан, бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши вилоят бўйича 56 фоиздан юқори экани ижобий натижа сифатида эътироф этилди. Бу мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткич билан деярли баробар бўлиб, меҳнат билан банд аҳолининг 76 фоиздан ортиғи ёки 980 минг киши шу соҳада ишлаб даромад топаётгани қайд этилди.

Бундай ижобий натижаларни тан олган ҳолда, бу ҳудудда кўпчилик вилоятларга тегишли бўлган бир камчилик тўғрисида айтмасдан ўтолмаймиз, деди Юртбошимиз. Яъни, Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши асосан савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори бўлиб қолмоқда. Саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу тармоқдаги улуши 28,8 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу рақам мамлакатимиз миқёсида 38,9 фоизни ташкил этади.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари, банк-молия хизматлари, туризм, қурилиш ва транспорт соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш вазифаси қўйилган ва бу масалага Тошкент вилоятида алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Президентимиз ўз нутқида Тошкент вилоятининг азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан ёнма-ён жойлашгани вилоятга катта имкониятлар бериши, айни вақтда алоҳида масъулият ҳам юклашига эътибор қаратди.

Шуни айтиш жоизки, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун Тошкент шаҳри улкан, ҳар томонлама қулай бозор ҳисобланади. Бу ҳақда сўз юритганда, аввало пойтахтимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида вилоят меҳнаткашлари катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш зарур.

Биргина ўтган 2015 йили вилоятда 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 400 минг тонна картошка, 200 минг тоннадан зиёд мева, қарийб 170 минг тонна узум етиштирилди. Ўз-ўзидан равшанки, бу рақамлар халқимизни озиқ-овқат билан таъминлашда, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашда Тошкент вилоятининг нақадар беқиёс ўрин тутаётганидан далолат беради.

Вилоятда сўнгги уч йилда 74 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 4 минг 500 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди, деҳқончиликка янги техника ва технологиялар, серҳосил экин навлари изчил жорий этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг деҳқон ва фермерларига, барча меҳнатчиларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, бу йил ҳам ҳосилингиз мўл бўлсин, омадингизни берсин, деб эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисда бугунги кунда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга кўтариш, пахта майдонлари ҳажмини камайтириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермер хўжаликларини оптималлаштириш, қайта ишлаш соҳасидаги мавжуд резервларни ишга солиш муҳим вазифа бўлиб турганига урғу берилди.

Айни шу борада, умуман, ички ва ташқи бозоримизда талаб кучли бўлган маҳсулотларни юқори қўшимча қиймат билан ишлаб чиқаришда Тошкент вилоятининг ўрни ва роли, керак бўлса, масъулияти катта эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз, деди Юртбошимиз.

Ҳозирги кунда бу соҳада эътиборга молик ишлар қилинмоқда ва бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, "Ангрен" махсус индустриал зонасида халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мис қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган 52 турдаги ана шу маҳсулотлар жаҳоннинг кўплаб давлатларига экспорт қилинаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, бу ерда қиймати 214 миллион доллар бўлган, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун йилига 3 миллион 200 минг дона шина ва 100 минг погонометр конвейер лентаси ишлаб чиқариш бўйича яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳани амалга ошириш натижасида мамлакатимизга четдан олиб келинаётган 200 миллион долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш ва шу тариқа катта валюта маблағларини тежаш имконига эга бўламиз.

Сессияда бундай ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, кўпгина соҳа ва тармоқларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмаслиги танқид қилинди. Бунинг тасдиғини вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг фақатгина 24 фоизи, гўштнинг 27 фоизи, сутнинг эса 20 фоизи қайта ишланаётгани мисолида кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этди.

● Самарқанд вилояти Самарқанд туманида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" ижтимоий лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

● Андижонда маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Иштирокчилар томонидан маҳаллалардаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, диний ақидапарастлик ғоялари таъсирига берилиш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва олдини олиш, тўй-маросимларни ихчам ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

● Нукус тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбир буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланди. "Шеърият мулкининг султони" деб номланган адабий кечада ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар Алишер Навоий асарларининг қорақалпоқ адабиётига таъсири, шоир қолдирган бой адабий мероснинг бугунги ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

● Фарғона вилоятида 18 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили тижорат банклари томонидан мазкур соҳа ривожи учун 812 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

● Андижонда "Наврўз ялласи – 2016" анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Барча туман ва шаҳарлар бадиий жамоалари қатнашган тадбирда Наврўз, баҳор, Ватан ва миллий қадриятларимизни тарғиб этувчи лапарлар, термалар, эстрада йўналишидаги қўшиқлар ижро этилди. Сумалак сайли, халқ ўйинлари, ҳунармандлик ва баҳор юмушларини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Кейинги беш йил давомида Францияда қуёш батареялари орқали ёритиладиган 1000 километрдан ортиқ автомобиль йўлларининг бунёд этилиши режалаштирилмоқда.

● Йирик наркокартеллардан бири ҳисобланмиш "Бельтран Лейва"нинг етакчиси Франсиско Эрнандес Гарсия Мексиканинг Гуасаве шаҳрида қўлга олинди. Мазкур операция чоғида жиноятчининг ёнидан гиёҳванд моддалар жойланган пакетлар ва қурол-яроғ топилган.

● Маълумки, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 2016 йил 5 августдан 21 августгача навбатдаги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Зика безгаги авж олган ушбу давлатдан нуфузли мусобақаларни кўчириш хатари йўқлиги айтилаётган бўлса-да, бироқ Олимпиадага ҳомиладор аёлларнинг ташриф буюриши тавсия этилмаяпти.

● Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Шимолий Америка аҳолиси жаҳондаги энг оғир вазнли авиайўловчилар сифатида эътироф этилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг ачинарлиси, мева-сабзавот маҳсулотларининг 46 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 39 фоизи, сут маҳсулотларининг 18 фоизи **бирламчи қайта ишлаш даражасида сотилаётгани туфайли катта миқдорда қўшимча даромад олиш имкониятини бой бермоқдамиз**, деди Ислом Каримов. Ҳолбуки, ярим фабрикат ҳолида сотиладиган мана шу маҳсулотларни қўшимча қайта ишлаш ҳисобидан оладиган **даромадларимизни 2-3 карра кўпайтириш имконияти мавжуд.**

Бунинг учун нима керак? Аввало, тараққий топган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқараётган тайёр маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш керак. Буларнинг барчаси бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторидан ўрин олиши зарур.

Мажлисда бу масала бўйича қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Такрор айтишга тўғри келади: айни мана шундай катта имкониятларни ишга солиш, экспортни, валюта ҳажмини кўпайтириш, бунинг учун биринчи навбатда ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатишимиз, тадбиркорлик ва изланувчанлик билан яшашимиз шарт, деди Юртбошимиз. Бу масала аввало барча раҳбар ва мутасаддиларга дахлдор эканини яхши англаб олишимиз даркор.

Чиндан ҳам, бугунги кунда жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб, шафқатсиз тус олаётган бир пайтда фақат ғалла ва пахта ҳисобидан ривожланиб бўлмайди ва бундай калтабинлик билан, узоқни кўрмасдан яшашга бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Фақат хомашё ишлаб чиқариш ва уни бозорда сувтекин нархда бошқаларга сотиш билан юрадиган бўлсак, ўзгалар эса бу хомашёни қайта ишлаш ҳисобидан унинг ёғини, қаймоғини оладиган бўлса, бундай йўл фақатгина мустамлакага айланган давлатларнинг қисмати бўлганини яхши биламиз.

Биз ҳам бир вақтлар шундай тақдирни бошимиздан кечирганимиз, фақат пахта хомашёси етиштиришни, яъни, энг оғир меҳнатни бизнинг бўйинимизга юклаб, пахтадан олинадиган тайёр маҳсулотнинг фойдасини эса бошқалар кўрганини эсингизга солишни ўринли, деб биламан, деди Ислом Каримов.

Эски тузумдан қолган бундай оғир муаммоларни ҳал қилишнинг йўли битта: "олма пиш, оғзимга туш" деган қарашлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Буни замоннинг ўзи бугун бизга уқтираяпти. Содда қилиб айтганда, дунёқарашимизни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим.

Бугуни кунда Ўзбекистонимизни дунёдаги ривожланган, эркин ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун барча имкониятларга эгамиз. Юртимиз қандай ранг-баранг бойликларга эга бўлса – бу минерал хомашёлар бўладими, табиий ресурслар бўладими, иқтисодий ва инсоний салоҳият бўладими – буларнинг ҳаммаси Тошкент вилоятида мужассам эканини яққол кўриш мумкин. Бу замин шундай бебаҳо бойликларга эгаки, баъзан ўзимиз ҳам бунинг қадрига етмай қолаяпмиз, десак, бу ҳам ҳақиқатдан узоқ гап эмас, деди Президентимиз.

Ўзингиз айтинг, энг унумдор ер, энг кўп сув манбалари қаерда? Шу ерда, Тошкент воҳасида эмасми? Бу вилоят ер майдонларининг балл бонитети энг юқори бўлган ҳудудларимиздан бири бўлиб, сув ресурсларининг етарли экани, шўрланган ерларнинг деярли йўқлигини кўриб, айтиш керакки, бошқалар бизларга ҳавас қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, логистика, замонавий коммуникация тармоқлари дейсизми, ҳаво транспорти, автомобиль ва темир йўл тизимлари дейсизми, инфратузилма объектлари дейсизми – буларнинг барчаси Тошкент вилоятида мавжуд.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ноёб имкониятлар ҳақида гапирганда, вилоятда энг катта бойлик, бизга берилган энг катта неъмат – бу заминнинг унумдор ери, десак, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламиз. Айнан шунинг учун ҳам барчамизни боқадиган ер билан тиллашиш, уни асраб-авайлаш, эъзозлаш, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Сен ерни боқсанг, ер сени боқади" деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Минг афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқда – вилоятда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режалари қўпол равишда бузилиб, 2 минг 500 гектар суғориладиган майдонларга бошқа экинлар экилган. Бундай ҳолатлар Бекобод, Янгийўл, Қибрай, Бўстонлиқ ва Чиноз туманларида мунтазам равишда такрорланиб келган.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва шароитларга қарамасдан, ўтган йили Тошкент вилоятида пахтачилик бўйича 97 та, ғаллачилик бўйича эса 149 та фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини бажармаган. Ишга ана шундай масъулиятсиз ёндашув туфайли Бўка ва Бекобод туманларининг ҳар бирида 1 миллиард 200 миллион сўм, Оққўрғон ва Ўртачирчиқ туманларида эса 500 миллион сўмдан зарар кўрилгани айниқса ачинарлидир.

Бу ниманинг исботи? Бундай мисоллар вилоятда ер майдонлари, афсуски, ҳанузгача ҳақиқий эгасини топмаганидан далолат беради.

Тошкент вилоятида аҳоли зич жойлашган бўлиб, янги иш ўринларига талаб юқори бўлса-да, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида мингдан ортиқ фермер хўжалигига 100-120 гектарлаб ер ажратиб берилган. Шунинг учун бу масалада тартиб ва адолат ўрнатиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги вақтда фермер хўжаликларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, 3 минг 146 та янги фермер хўжалиги ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Биз бугун иқтисодиёт соҳасида қўлга киритган ютуқлар билан бирга, кўзга яққол ташланаётган камчилик ва муаммоларга ҳам тўхталдик, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Айни вақтда ижтимоий тармоқлар бўйича ҳам – бу транспорт, коммунал ва маиший хизмат сифатини ошириш бўладими, тиббиёт соҳаси бўладими, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг кундалик эҳтиёж ва талабларини қондириш бўладими, уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш бўладими – бундай мисолларни кўплаб олиб келиш мумкин.

Шулар қаторида бизда энг катта ташвиш ва хавотир уйғотадиган масала – бу вилоятда ишни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилишда, фаоллар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб боришда йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликлар, энг ачинарлиси, айрим раҳбарлар томонидан ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларидир.

Мен бир фикрни кўп марта айтганман ва уни бугун ҳам такрорлашга мажбурман: қаердаки раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятни унутса, қаердаки ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ўша ерда иш орқага кетади, бундан қанча-қанча одамлар зарар кўради, энг ёмони, **аҳолининг жойлардаги ҳокимият идораларига ишончи йўқолади**, деди Ислом Каримов.

Ҳар бир раҳбар – у қайси вазифада ишлаши, қайси бўғинни бошқаришидан қатъи назар, аввалambор ўзининг манфаати билан эмас, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаши, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш ҳақида чуқурроқ ўйлаши, узоқроқни кўриши ва жамоатчиликни ўз ортидан эргаштириш учун уларнинг ишончини қозониши керак.

Бунинг учун раҳбар вилоятда мавжуд бўлган, ўзининг ечимини кутиб турган кўпгина муаммоларни, ўзи бошқараётган ҳудуд аҳолисининг ўзига хос ва ўзига мос дарду ташвишларини чуқур ўрганиши, уларни ҳал этиш учун **фаоллар ва жамоатчиликни, бутун аҳолини сафарбар этиб, уларни бошқариб, улар билан тил топишиб ишлаши зарур**.

Бу йўлда бутун борлиғини, бор билим ва тажрибасини ишга солиши, масъулиятни ўз зиммасига олиб, бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Айни шундай муносабатни, ишни айнан шундай ташкил этишни ҳудудга янги раҳбар этиб тайинланган шахсдан одамлар кутиши табиий, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшиласиз, деди Президентимиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг асосий мақсад-мазмуни ҳам айни шу муаммога қаратилганини тушуниш қийин эмас, деб фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари. Яъни, сўз Тошкент вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келаётган А.Усмоновнинг фаолияти ва масъулияти ҳақида бормоқда.

Ҳаммангизга маълум, 2013 йилда барчамиз катта ишонч билдириб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасига А.Усмоновни тасдиқлаган эдик.

Бу шахсни танлаш ва бу юксак лавозимга тайинлашда аввалambор унинг олдинги иш фаолияти, кўпгина масъулиятли вазифаларда хизмат қилгани, биринчи навбатда, Андижон вилоятида кўп йил биринчи раҳбар бўлиб ишлаган даврида – бу ҳам ҳақиқат – ушбу вилоятни ривожлантиришда, вилоят аҳолининг катта ютуқ ва марраларни қўлга киритишида анча тажриба орттириб, ўзи ҳам бунга ҳисса қўшгани инобатга олинган эди.

У Андижон вилоятида раҳбарлик қилган пайтда ишни ташкил қилишда – албатта, ҳар қайси ҳудуднинг ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари бор – бу ерда кўпгина масалаларни ечиш учун замин тўғдирилган эди. Қурилиш ва ободончилик соҳаси бўладими, қишлоқ хўжалигини бошқариш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўладими, Андижон вилояти мамлакатимизда кўзга кўринган ўринни эгаллагани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг негизида аввало мард ва матонатли Андижон халқининг меҳнати мужассам эканини ҳаммамиз яхши биламиз, деди Ислом Каримов.

Айтиш керакки, Тошкент вилоятида иш бошлагач, дастлабки пайтда А.Усмоновнинг фаолиятида вилоят олдида турган вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бирмунча ҳаракатлар кўзга ташланди. Лекин, минг афсуски, ҳаёт шундай мураккаб бир ҳолатларни олдимизга қўяди. Яъни, одамнинг, юқори лавозимга тавсия этилаётган шахсларнинг ички дунёсини, уларнинг асл инсоний фазилатларга эга бўлишини аниқлаш ўта оғир ва мураккаб вазифа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай шахсларнинг иймони нақадар бутун, иродаси нечоғлик бақувватлиги асосан улар амалга ўтирганидан кейин билиниб қолишини, бундай синовда улар барибир ўзини йўқотиб қўйишини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб беради. Ва бундай шахсларнинг оёғи ердан узилиши, гердайиб кетиши шу даражага етиб борадики, улар учун гўё амал – лавозим ўзига умрбод мерос қилиб берилганидек бўлиб туюлади.

Мана, бугун бу аччиқ ҳақиқатнинг тасдиғини А.Усмонов мисолида кўриб турибмиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Вақт ўтиши билан бу инсоннинг ишга қараши ва одамларга муносабатида манманлик, ўзига бино қўйиш, ён-атрофдагилардан ўзини юқори тутиш, қўполлик, қўл остида ишлаётганларни менсимаслик, уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик каби ҳолатлар "иш услуби"га айланиб қолди. Энг ёмони, бундай муносабатлар биринчи раҳбар билан вилоят фаоллари ўртасида катта жардек тушунмовчилик пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзингиз айтинг, вилоят раҳбари томонидан ўзи билан бирга ишлайдиган етакчи ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ўрнига, уларнинг шахсига тегиш, кўнглини чўктириш ўзаро ҳурматга олиб келиши мумкинми, деди Юртбошимиз.

Шу борада бир ҳақиқатни яна бир бор айтишга тўғри келади: оддий одамларимиз, халқимиз ҳамма нарсани кузатиб туради, ён-атрофида юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб, ҳар қандай раҳбарнинг ҳам ишига албатта ўз баҳосини бериши муқаррар. Агарки кимдир хомхаёлда юриб, бошқача фикрлайдиган бўлса, катта хатога йўл қўяди. Шундай ўйлайдиган одам вақти келганида чексиз надомат ва пушаймонликда қолиши турган гап.

А.Усмоновнинг иш фаолиятидаги номақбул хусусиятлар ҳақида, ўз масъулиятини ошириши зарурлиги ҳақида унга кўп бор айтилиб, суҳбатлар ўтказилган бўлса-да, лекин оёғи ердан узилиб қолгани учун бу гаплардан у тегишли хулоса чиқариб олмади ва бу ўз навбатида унинг вилоят фаоллари ва жамоатчилиги ўртасида обрў-эътиборини йўқотишига олиб келди.

Табиийки, бундай ҳолат вилоятда ишни ташкил қилишда жиддий хатоларга сабаб бўлди.

Сессияда А.Усмонов кадрларни танлаш ва лавозимга қўйишда ғаразли мақсад билан иш кўриб, асосан ўзига шахсий садоқатда бўлган, лекин зарур билим ва тажрибага, маънавий фазилатларга эга бўлмаган шахсларни турли раҳбарлик вазифаларига тайинлагани, Тошкент вилоятининг ўзида юқори малакали кадрлар етарли бўлишига қарамасдан, баъзи бир лавозимларга ўзининг танишбилишларини олиб келиш унинг одатига айланиб қолгани қайд этиб ўтилди.

Масалан, Тошкент вилояти ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи лавозимига А.Ҳамдамов, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи вазифасига Б.Қораев тайинланган. Шунингдек, у вилоят ҳокимлигининг ишлар бошқарувчиси вазифасига, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибият мудири лавозимига, ҳуқуқ-тартибот, сафарбарлик ва фавқулодда ҳолатлар бўйича тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи гуруҳ бошлиғи вазифасига, "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг бош муҳандиси лавозимига ўзига яқин одамларни ишга қўйган.

Ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган бу шахслар амалдаги қонунчиликни бузиб, мансабни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ турли жиноятларни содир этишган. Ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли уларнинг айримлари (А.Темиров, А.Сатторов, О.Маҳмудов) жиноий жавобгарликка тортилган, айримлари (А.Эржигитов, А.Ҳамдамов, Б.Қораев, С.Самадов) ишдан бўшатилган.

А.Усмоновнинг яқин ҳамтовоқлари бўлган бир гуруҳ шахслар, жумладан, вилоят ҳокимининг ёрдамчиси А.Умаров, вилоят ҳокимлигининг собиқ ишлар бошқарувчиси М.Икромов, вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Ш.Хўжамқулов, "Руббер траст шосс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Исмоилов порахўрликда айбланиб, уларга нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Мажлисда А.Усмоновнинг бундай раҳбарлик "услуби" вилоятни бошқаришда кўпгина янги-янги муаммоларни туғдириб, вилоят олдида турган муҳим вазифаларнинг бажарилмай қолишига, энг ёмони, вилоят фаоллари ўртасида қарама-қаршилик, низо ва зиддиятлар пайдо бўлишига, муҳитнинг бузилишига олиб келгани таъкидланди.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъулияти, раҳбарлик инсондан қандай фазилат ва хусусиятларни талаб қилиши ҳақида атрофлича тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни баён этди.

Қандай оғир бўлмасин, бу гапларни айтишдан мақсад шуки, сиз, ҳурматли депутатлар ва фаоллар билан ўртамизда ҳеч қандай сир бўлмаслиги, ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак, деди Юртбошимиз. Нега деганда, энг катта куч – бу ҳақиқатдир. Ҳақиқатга суянган одам ҳеч қачон пушаймон бўлмайди.

Бугун биз раҳбарлик, етакчилик вазифаси нақадар масъулиятли эканига, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етмаслигига, бу иш инсондан аввалambор мустаҳкам ирода ва иймон-эътиқод талаб қилишига яна бир бор гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни зарур деб биламан: раҳбарга лавозимни, обрўни эл-юрт беради, лекин унга ишониб топширилган лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатдир, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Усмонов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Зангиота тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Содиқ Абдуллаев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Тошкент вилояти пойтахт вилоят сифатида доимо мамлакатимизнинг энг етакчи, салоҳияти улкан вилояти, таъбир жоиз бўлса, таянч тоғларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ишончим комил, ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш, мард ва олижаноб Тошкент воҳаси аҳли янги раҳбар атрофида жипслашиб, вилоят олдида турган катта вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама ўзини кўрсатади ва эзгу мақсадларига албатта етади, деди Президентимиз ўз нутқининг якунида.

Сессияда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Паркент тумани бўлими раиси Ориф Пиримов, Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари Саидислом Сайдуллаев, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов, Зангиота туманидаги "Назарбек" қишлоқ врачлик пункти мудираси Мақсуда Варисова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида Тошкент вилоятида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишни замон талаблари асосида ташкил этиш, мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш борасида йўл қўйилган жиддий камчилик ва муаммолар ҳар томонлама таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатиб берилгани, ана шу танқидий фикрлар, амалий кўрсатмалар асосида ишни ташкил этиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиш ва кўзланган марраларга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА)

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини юксалтириш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги қарори билан ташкил этилган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг тузилиши мамлакатимизни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, – дейди ЎзА мухбирига Жамоатчилик кенгаши аъзоси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори ўринбосари Мурод Зикриллаев. – Ушбу кенгаш Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасини ривожлантиришга фуқаролар ва жамоат бирлашмаларини жалб этиш, ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, давлатимиз томонидан Ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси йўлида олиб борилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш каби устувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда Жамоатчилик кенгашининг жорий йилги иш режаси тасдиқланди.

Д.КАРИМОВ

ДОКТОРАНТУРА ЙЎНАЛИШИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида европалик мутахассислар иштирокида "Олий таълим муассасаларида докторлик таълими сифатини ошириш" мавзуида маҳорат дарси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва Европа олий таълим муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олий таълим тизимини изчил ривожлантириш, ўқув даргоҳлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини мунтазам ошириш, уларни халқаро андозалар ва замонавий талабларга мувофиқ қайта тайёрлаш, бу борада самарали механизмни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда илм-фанни юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада замонавий билим ва технологияларни пухта эгаллаган, зарур лаборатория ва моддий ресурслар билан таъминланган ёш олимлар, тадқиқотчилар кенг кўламли илмий изланишлар олиб бормоқда. Уларнинг янги ишланма ва лойиҳалари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Юртимизда олий таълимнинг халқаро стандартларга мос бакалавриат ва магистратура босқичлари, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги бир босқичли тизим – докторантура йўналиши жорий этилган. Илмий ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг тадқиқотлар олиб бориши учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Бу борада нуфузли хорижий университетлар билан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани самарасида илмий тадқиқотларнинг сифати, илмий-амалий аҳамияти тобора ошмоқда.

Маҳорат дарсида мамлакатимиз олий таълим муассасаларида докторлик таълими сифатини янада ошириш, умумқабул қилинган халқаро андозаларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Хорижий мутахассислар Европа олий таълим муассасаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, хусусан, докторлик таълим тизимидаги илғор тажрибалар ва замонавий амалиёт ҳақида сўзлади.

– Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичини юксак даражада ривожлантиришга қатта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор, – деди ЎзА мухбирига Загреб университети профессори Мелита Ковасевик (Хорватия). – Мамлакатингизда докторлик таълимини янада ривожлантириш ва бу жараёнда хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар эътиборга молик. Ўзбекистонда чет тилларини чуқур ўргатишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таълим тизимидаги ҳавас қилса арзигулик жиҳатлардан.

Тадбирда хориждаги нуфузли олий ўқув юртларидаги докторлик таълим тизими, диссертацияларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тажрибаси ҳақида фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА



Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

НАВОИЙ ИЛМ ВА ИЛМ АҲЛИ ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг илмсеварлиги, илм олиш фазилатлари ҳақидаги ҳикматлари ҳамма учун ибратли ва ҳамиша аҳамиятлидир.

Шоир болалигидан ғоят иқтидорли, ўткир зеҳнли бўлгани маълум. У беш-олти ёшларида Фаридиддин Аттор-нинг "Мантиқ ут-тайр" достонини ёд билган. Ўн икки ёшида:

Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш

дея бошланадиган ғазалининг матлаъси билан ўз давринг малик ул-каломи бўлган Лутфийни қойил қолдирган, ўн беш-ўн олти ёшларида зуллисонайн шоир сифатида танилган.

Шоир бир байтида "оз-оз" бўлса ҳам илм ўрганган одам охири "доно" бўлиши, аксинча "орланиб" сўрамаган, илмни ўзлаштиришга ҳаракат қилмаган одам ўзига "золим" бўлишини таъкидлайди.

Навоий "Хамса"нинг бош қаҳрамонлари тимсолларида ҳам илмни улуғлаган. Масалан "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод образини олайлик. У болалигидан илм истайди. Бир марта ўқигани сира ёдидан чиқмайди. Қандай сўзни ўқиса кўнглига, жон лаҳасига нақшлайди. Фарҳод ўн ёшга етганда ҳамма илмларни эгаллаб бўлади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Навоий талқинидаги Фарҳод – комил инсон. Шоир бу сатрларда илм эгаллашни комилликнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида кўрсатган.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида келтиришича, Нўширавони одилнинг вазири устозидан "Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши?" дея сўрайди. Устоз тилидан Навоий айтади:

Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.

Қаранг, шу икки сатрда саволнинг жавоби, керак бўлса, инсон ҳаётининг мазмуни гўзал, лўнда ифода этилган.

Навоий илм ва ахлоқни бир бутун ҳолда кўради. Илм ўқиб амал қилмаганларни маломат қилади, амалсизликнинг фожиаларини кўрсатиб беради. "Маҳбуб ул-қулуб"да илм ўқиб амал қилмаган кишини ерга уруғ сепиб ҳосил олмаган кимсага ўхшатади:

Илм ўқуб қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Навоий илм ўқитган устозларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш осон эмаслигини таъкидлайди. "Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур". Демак, устоз ҳам ота-она каби алоҳида ҳурматга лойиқ. Унинг Ҳақ йўлида ўргатган бир ҳарфига шогирд юзлаб хазиналар инъом қилса ҳам ҳақини адо этолмайди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоийнинг ўзи ҳам илму адаб бобида комиллардан бўлса-да, ҳеч қачон ўзидан қониқмаган. Ҳатто кези келганда умрини беҳуда ўтказгани, кўпроқ хайрли ишлар қилмагани, ғафлатда қолгани учун ўзини койийди. Бундай камтарлик ҳам ёшларга катта ибрат. Умуман, Навоий асарлари биз учун қанчалик ҳикмат ва маърифат манбаи бўлса, унинг умри ва ҳаёти давомида қилган хайрли ишлари, олижанобликлари ҳам ниҳоятда қадрли ва эътиборга молик.

Навоий одамларни чин маънода одам бўлишга даъват қилган. Халқ ғамини емаган одамни одам санамаган. Ўзи бир умр илм аҳлини қўллаб-қувватлаб келган. "Вақфия" асарида унинг талабаларга ва мударрисларга маош тайин қилгани, "Ихлосия" мадрасаси ва сўфийлар учун "Халосия" каби хонақолар қурдиргани маълум. Тарихчи Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Навоий кўплаб бинолар, кўприк ва мадрасалар, мактаб ва шифохоналар қурдириш баробарида ҳадисшунос олим Жамолиддин Атоуллоҳни, мутасаввуф Мир Камолиддин Ҳусайнни, фиқҳ ва илоҳиётдан сабоқ берувчи Амир Ихтиёриддин Ҳасанни, воиз Мавлоно Муъиниддинни, машҳур муфассир ва воиз Ҳусайн Воиз Кошифий каби олимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турган.

Навоийнинг ижоди, хайрли ишлари ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни билиш, улардан ибрат олиш одамларни, ёшларимизни билимдонликка, яхшиликка ундайди, комилликка етаклайди.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФА

Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2015 йилда аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси борасида амалга оширилган ишлар ҳамда 2016 йилга белгиланган устувор вазифалар юзасидан мулоқот ташкил этилди.

Таъкидланишича, ўтган 2015 йилда мамлакатимиз бўйича 990 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилиб, бу борада ишлаб чиқилган дастур 100,3 фоизга бажарилган. Бунда мақсадли йўналишларга мувофиқ 262 мингта, жумладан саноатда – 116 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервисда – 67 мингта, қишлоқ хўжалигида – 49 мингта иш жойлари барпо этилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга эътибор ҳар қачонгидан юқори, шу сабаб дастур ижросида – кичик бизнесга алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, кичик корхона ва микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлик, уй меҳнати, деҳқон ва фермер хўжаликларида жами 728 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланганлиги маълум қилинди. Ўтган йили 1208 маротаба ўтказилган ярмаркаларда 53 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этиб, 62 минг кишига ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар берилган.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Б.Шаропов ижтимоий муҳофаза борасида амалга оширилган ишларга тўхталар экан, ўтган 2015 йилда бу масала вазирликнинг асосий диққат-марказида бўлганлигини таъкидлади. Жумладан, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ўтган йили 16,8 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олиниб, улардан 4,2 минг нафардан ортиғи Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 15 турдаги маҳсулотлар билан доимий таъминланиб келинмоқда.

Вазирлик Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқлаган режа асосида давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик доирасида жами 5,8 мингдан ортиқ текширувлар ўтказилган, 4 мингга яқин ариза ва шикоятлар кўриб чиқилиб, 1700 дан ортиқ ишчиларга 10,5 миллиард сўм иш ҳақи тўлатиб берилган.

Тизимни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган яна бир муҳим ишлардан бири "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда ишлаб чиқилгани бўлди. Унга кўра, тармоқларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид 89 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга тадбиқ этилди.

Тадбирда шунингдек, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар хусусида сўз юритилиб, журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Реклама ўрнида

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI





"HAMKORBANK": БИРГАЛИКДА ЮКСАЛИШ САРИ



Мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Бу вазифаларни молия муассасалари ёрдамисиз амалга ошириш мушкул, албатта. Зеро, кейинги йиллари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 май кунги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Банкимиз томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари, 2000 йил 19 майдаги "Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар бугунги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кейинги йилларда Ўзбекистон ва жаҳон молия бозорида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик-тижорат банки ўз филиаллари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида энг фаол банклар қаторидан ўрин эгалламоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда ички бозорни сифатли ва арзон озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга, энг муҳими янги ишчи ўринлари яратишига асос бўлаётир.

Хусусан, ўтган 2015 йил давомида банкнинг Яккасарой филиали томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш бўйича Республикамиз Марказий банки томонидан белгилаб берилган режа кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хусусан, кичик бизнес субъектларига 90 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди ва режа кўрсаткичи 173 фоизга бажарилди, кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар салмоғи эса 7 млрд. сўмга яқин бўлди, бу кўрсаткич 108 фоизга бажарилди. Ўтган йил давомида банкимиз томонидан мамлакатимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредитлар 17,5 млрд. сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратилган кредитлар 35 млрд. сўмни ташкил қилди, шу боис иккала режа кўрсаткичи ҳам 100 фоизга бажарилди. Жумладан, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига 4 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 10 млрд. сўм, коллеж битирувчиларига 260 млн. сўм, оилавий тадбиркорликка 318 млн. сўм миқдорида кредит берилганлиги сабабли банкимиз хизматларига тадбиркорларнинг ишончи ортди.

Мисол учун, мижозимиз бўлган "DT Nashr" МЧЖ томонидан ускуналар ва хом ашё сотиб олиш учун 1 млрд. сўм миқдорида кредит олинди. Кредит маблағлари ажратилгандан сўнг мижознинг пул айланмалари сезиларли оширилиши билан бирга 9 та янги ишчи ўринлари яратилди. Бу каби мисолларни кўплаб яна келтириш мумкин. Умумий қилиб айтганда, банкимиз томонидан ажратилган кредитлар натижасида 2015 йилда тадбиркорлар томонидан 445 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Банкимизда нафақат кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига доир кредитлар, балки, жисмоний шахслар учун истеъмол кредитлари, мобиль ҳамда тезкор хизматлар кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Жумладан, банк хизматлари орқали Тошкент шаҳрида янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни ипотека кредитларидан фойдаланиб сотиб олиш мумкин.

Муҳтасар айтганда, банкимиз кейинги йилларда республикамиз тадбиркорлари ва фуқаролари учун кенг кўламдаги хизматлар комплексини кўрсатишни йўлга қўйди ва бу орқали молия бозоридаги ўрнимизни изчил мустаҳкамлаб боришга интилаяпмиз.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ,
"Hamkorbank" АТБ Яккасарой филиали бошқарувчиси

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида, Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (М.Рахимбердиева) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Миробод туман тармоқ администратори (Р.Хасянов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.poytaxt.uz. веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Рустамов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров

2016 йил 28 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 8

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Тинч океани". Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тирик сайёра". Ҳ/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Агроолам".
10.30 "Иқлим".
10.40 "Қорачиқ".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Кўргани ларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.10 "Иқлим".
15.20 "Бизнес старт".
15.45 "Менинг боғим".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Сухбатдош".
17.45 "Монк". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 – 00.05 "Ҳаёт завқи". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.40 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Қорачиқ".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бобур". В/ф.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Навоий хазинаси".
9.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Фан ва ёшлар".
11.40 "Навоий хазинаси".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Муъжизавий дунё".
14.00 "Капитан Грант изидан". Т/с.
15.10 "Навоий бўстони". 1-қисм.
15.50 "Ўзбек адабиёти".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Камолот-инфо".
17.00 "Юрт келажаги".
17.30 "Скарлетт". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Навоийхонлик".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Дунё бўйлаб 80 кун". Б/ф.
00.30 "Шарқ гавҳари".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 Миллий кино: "Учрашув".
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Телетаҳлил".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Пойтахт-Hi-tech".
13.15 "Бахт қўрғони".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Эрин Брокович". Б/ф.
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Қонун доирасида".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Конфуций". Ҳ/ф.
00.15 "Пойтахт-культура".
00.25 "Бахт маликаси". Т/с.
1.00 "Poytaxt-eko".

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
6.35 "Нуроний фасл".
7.00 "Изҳор".
7.05 Миллий кино. "О Марям, Марям!"
8.40 "TV анонс".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Разолат қурбонлари". Спектакль.
10.05 "Бизнес ва тараққиёт".
10.30 "Изҳор".
10.35 "Йўлга чиқдик".
11.00 "Маҳалламиз спортчилари".
11.40 "Ноёб институт".
12.05 "Фермер".
12.30 "Маҳаллам ҳақида".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Пойқадам".
14.20 "Кўнгилдаги гаплар".
15.05 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
15.30 "Турфа маслаҳат".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Меҳр боғи".
16.30 "Изҳор".
16.35 "Аждодлар хазинаси".
17.00 "Фотокўзгу".
17.05 "Сулола".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Нотаниш".
22.30 "Изҳор".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Саодатли умр".
23.35 "Эҳтиёж формуласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
00.35 "Соғлом турмуш".
1.00 Миллий кино. "Пойқадам".
2.20 "Бола бошидан".
3.10 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
3.40 "Биламиз-ку, аммо".
4.05 Миллий сериал. "Меҳр боғи".
4.35 "Иш билганга минг танга".
5.00 "Фотокўзгу".
5.05 "Маҳалламиз болалари".
5.25 "Изҳор".
5.30 "Идрок харитаси".
5.50 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Болажонлар саҳнаси".
8.30 "Мультипанорама".
10.00 "Бола бошидан".
10.10 "Болажон орзуси".
10.30 "Қовоқвой ва Чаноқвой".
11.30 "ABC-kids".
12.00 "Миттивой спортчилар".
12.50 "Болажон устахонаси".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Катта танаффус".
13.50 "Болажон ошхонаси".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
15.50 "Мультипанорама".
17.20 "Қун тартиби".
17.30 "Сеҳрли қўллар".
17.50 "Миттивойлар мусобақаси".
18.00 "Спортчи болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.40 "Қувноқ алифбо".
20.10 "Қувноқ стартлар".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Табиатга саёҳат".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Ўрдаккўл воқеаси". Б/ф.
7.15 Миллий кино. "Мактуб".
8.40 Саргузашт фильмлар экрани. "Қочиш режаси".
10.45 "Экран табассуми".
11.00 "Рокки". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Эфир сирлари".
14.10 "Гаровдаги муҳаббат". Б/ф.
16.00 Болалар экрани. "Ёлғончи бақалоқ".
17.30 "Тоғ кўриқчилари". Б/ф.
19.00 "Эфир сирлари". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Тунги меҳмон".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Жонни Депп.
22.50 "Кариб денгизи қароқчилари. Қора марварид тавқи лаънати".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Полуночное солнце". Ҳ/ф.
2.10 "Жейн хоним". Б/ф.
4.25 – 6.00 "Дирҳам шунқорлари". Б/ф.

СЕШАНБА, 9

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Тинч океани". Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тирик сайёра". Ҳ/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Навоий олами".
10.30 "Иқлим".
10.45 "Сухбатдош".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Кўрганларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.10 "Иқлим".
15.20 "Сўз мулкининг султони".
15.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.30 "Менинг ҳуқуқим".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Нигоҳ".
22.00 "Учирилган ирода".
22.40 – 00.05 "Олисдаги яқинлик". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ватан". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.05 – 5.55 "Навоийга эҳтиром".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бобур". В/ф.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Навоий хазинаси".
9.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Навоий хазинаси".
11.30 "Юрт келажаги".
11.40 "Қизлар мактаби".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Муъжизавий дунё".
14.00 "Капитан Грант изидан". Т/с.
15.10 "Шарқ гавҳари".
15.50 "Бобур ёди".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Навоий хазинаси".
17.10 "Баркамоллик йўлидан".
17.30 "Скарлетт". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Навоийга таъзим".
20.50 "Навоий хазинаси".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Интернет". Б/ф.
00.30 "Навоий хазинаси".
1.00 "Ўзбек адабиёти".
1.30 "Табассум қил!"
2.40 "Цирк сеҳри".
3.10 "Хамсахонлик кечаси".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Сифат назорати".
11.45 "Мобиль камера".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Poytaxt-eko".
13.15 "Кўзгудаги биз".
13.45 "Poytaxt-intervyu".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 Миллий кино: "Марғиёна". 1 – 2 қисмлар.
18.50 "Poytaxt-avto".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Агент Джони Инглиш: Перезагрузка". Ҳ/ф.
00.05 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
00.25 "Бахт маликаси". Т/с.
1.00 "Poytaxt-avto".

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
6.35 "Фотокўзгу".
6.40 "Табиат шифохонаси".
7.00 Миллий кино. "Нотаниш".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Чироғи ёниқ уй".
9.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
9.40 "Қадр топган қадриятлар".
10.05 "Фотокўзгу".
10.10 "Халқ виждони".
11.00 "Изҳор".
11.05 "Менинг маҳаллам".
11.35 "Юртим манзаралари".
11.40 "Очиқ дарс".
12.00 "TV анонс".
12.05 "Нуроний фасл".
12.25 "Изҳор".
12.30 "Бизнес ва тараққиёт".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Афсус".
14.25 "Маҳалламиз спортчилари".
14.35 Теннис.
15.45 "Техноспорт".
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ливан – Қирғизистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.35 "Футбол юлдузлари".
18.05 "Матонат".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Саудия Арабистони. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 "Спортимиз маликалари".
21.30 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
22.55 Баскетбол.
00.05 Футзал. Осиё чемпионати. Ироқ – Хитой.
1.40 ХАБАРЛАР.
2.05 Биатлон. Жаҳон кубоги.
3.15 Футзал. Осиё чемпионати. Эрон – Иордания.
4.50 – 6.00 Теннис.

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Болажонлар саҳнаси".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Соғлом болажон".
10.10 "Ақлли планшет".
10.30 "Зумрад ва Қиммат".
11.40 "ABC-kids".
12.00 "Баджахл қуён".
12.50 "Болажон устахонаси".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Катта танаффус".
13.50 "Болажон ошхонаси".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.30 "Бола бошидан".
15.40 "Болажон орзуси".
15.50 "Мультипанорама".
17.00 "Худойберди бобо меҳмонда".
17.20 "Боғбон болажон".
17.40 "Миттивойлар мусобақаси".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Қувноқ стартлар".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Табиатга саёҳат".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Нефелет қаерда?". Б/ф.
7.25 Миллий кино. "Алишер Навоий".
9.05 Миллий кино. "Шабнам".
10.45 "Ойи". Қисқа метражли фильм.
11.00 "Рокки-2". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Эфир сирлари".
14.10 Миллий кино. "Катта ҳовли".
15.45 Болалар экрани. "Иирткич билан ёнма ён".
17.40 Миллий кино. "Сабр".
19.00 "Эфир сирлари". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Висол".
21.40 Миллий кино. "Тинчлик сохили".
22.05 Миллий кино. "Ўтган кунлар".
23.45 "Кинооханг".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Последний бриллиант". Ҳ/ф.
1.50 "Сиёвуш ҳақида қисса". Б/ф.
4.45 – 6.00 Миллий кино. "Семурғ".

ЧОРШАНБА, 10

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Тинч океани". Ҳ/ф.
7.30 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тирик сайёра". Ҳ/ф.
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Навоий олами".
10.30 "Иқлим".
10.45 "Сухбатдош".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Навоийга эҳтиром".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.10 "Иқлим".
15.20 "Сўз мулкининг султони".
15.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.30 "Менинг ҳуқуқим".
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Агроолам".
22.25 – 23.40 "Алишер Навоий". Б/ф.
23.40 "Сўз мулкининг султони".
00.05 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Алишер Навоий". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.05 – 5.55 "Навоийга эҳтиром".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бобур". В/ф.
7.20 "Афсона ва ҳақиқат".
8.00 "Вельвет галереяси". Т/с.
8.40 "Навоий хазинаси".
9.10 "Ўзингга ишон". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
11.00 "Фан ва ёшлар".
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Уч мушкетёр". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Муъжизавий дунё".
14.00 "Капитан Грант изидан". Т/с.
15.10 "Шарқ гавҳари".
15.50 "Бобур ёди".
16.00 "Давр".
16.10 "Канизак Изаура". Т/с.
16.50 "Навоий хазинаси".
17.10 "Баркамоллик йўлидан".
17.30 "Скарлетт". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Бир муҳаббат тарихи". Т/с.
20.20 "Навоийга таъзим".
20.50 "Бобур хазинаси".
21.10 "Уч мушкетёр". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Марли ва мен". Б/ф.
00.20 "Зар замин".
1.40 "Навоий хазинаси".
2.00 "Сеҳрли қўллар".
2.30 "Ўзбек адабиёти".
3.00 "Шарқ гавҳари".
4.40 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.20 "Бахт маликаси". Т/с.
11.15 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
11.35 "Пойтахт-авто".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
12.50 "Poytaxt-madaniyat".
13.15 "Холис назар".
13.45 "Poytaxt-Hi-tech".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Суғур куни". Б/ф.
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Агент Джони Инглиш: Перезагрузка". Ҳ/ф.
00.05 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
00.25 "Бахт маликаси". Т/с.
1.00 "Poytaxt-avto".

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
6.30 "Фотокўзгу".
6.35 "Ён қўшним-жон қўшним".
7.00 "Изҳор".
7.05 Миллий кино. "Ҳай ҳай, қизалоқ!"
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.05 Миллий сериал. "Кўнгил кўчалари".
9.40 "Саодатли умр".
10.05 "Шарқона маскан".
10.25 "Изҳор".
10.30 "Маҳалламиз Зулфиялари".
11.20 "TV анонс".
11.25 "Аждодлар хазинаси".
11.50 "Изҳор".
11.55 "Менинг маҳаллам".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Чироғи ёниқ уй".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Афсус".
14.25 "Маҳалламиз спортчилари".
14.35 Теннис.
15.45 "Техноспорт".
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ливан – Қирғизистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.35 "Футбол юлдузлари".
18.05 "Матонат".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Саудия Арабистони. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 "Спортимиз маликалари".
21.30 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
22.55 Баскетбол.
00.05 Футзал. Осиё чемпионати. Ироқ – Хитой.
1.40 ХАБАРЛАР.
2.05 Биатлон. Жаҳон кубоги.
3.15 Футзал. Осиё чемпионати. Эрон – Иордания.
4.50 – 6.00 Теннис.

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Болажонлар саҳнаси".
8.30 "Мультипанорама".
9.50 "Соғлом болажон".
10.10 "Ақлли планшет".
10.30 "Зумрад ва Қиммат".
11.40 "ABC-kids".
12.00 "Баджахл қуён".
12.50 "Болажон устахонаси".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Катта танаффус".
13.50 "Болажон ошхонаси".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.30 "Бола бошидан".
15.40 "Болажон орзуси".
15.50 "Мультипанорама".
17.00 "Худойберди бобо меҳмонда".
17.20 "Боғбон болажон".
17.40 "Миттивойлар мусобақаси".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Қувноқ стартлар".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Табиатга саёҳат".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат". Б/ф.
7.25 Миллий кино. "Висол".
8.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Қутқарувчи".
11.00 "Рокки – 3". Ҳ/ф.
12.40 Миллий кино. "Тинчлик сохили".
13.00 Севимли сериал. "Эфир сирлари".
14.10 "Лочинлар". Б/ф.
15.45 Болалар экрани. "Ур, тўқмоқ".
16.50 "Табиб". Б/ф.
19.00 "Эфир сирлари". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Эр бермоқ – жон бермоқ".
21.50 "Ҳафта юлдузи". Жонни Депп.
22.10 Жаҳон киноси. "Мордекай".
23.50 "Экран табассуми".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Золото Маккени". Ҳ/ф.
2.10 "Амистад". Б/ф.
4.30 – 6.00 "Рассёмон". Б/ф.

(Давоми келгуси сонда)

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба ва якшанба — тозалик куни

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 1 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 20 июнь кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Барданкўл ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 196 кв.м. бўлган, 0001-литердаги маъмурий бино. Бошланғич нархи 72 515 290 сўм.
2. Умумий майдони 39,46 кв.м. бўлган, 0002- литердаги қоровулхона. Бошланғич нархи 7 601 232 сўм.
3. Умумий майдони 58,61 кв.м. бўлган, 0003-литердаги омборхона. Бошланғич нархи 12 995 221 сўм.
4. Умумий майдони 132,31 кв.м. бўлган, 0003-литердаги омборхона. Бошланғич нархи 20 530 544 сўм.
5. Умумий майдони 150,49 кв.м. бўлган омборхона. Бошланғич нархи 22 778 675 сўм.
6. Умумий майдони 15,93 кв.м. бўлган, 0005-литердаги ёрдамчи бино. Бошланғич нархи 3 745 566 сўм.
7. Умумий майдони 345,80 кв.м. бўлган, 0006-литердаги омборхона. Бошланғич нархи 61 679 486 сўм.
8. Умумий майдони 169 кв.м. бўлган, 0007-литердаги ҳовуз. Бошланғич нархи 21 743 764 сўм.
9. Умумий майдони 442,75 кв.м. бўлган, 0008-литердаги омборхона. Бошланғич нархи 88 920 831 сўм.
10. Умумий майдони 10250 кв.м. бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 210 032 412 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24. *Лицензия: № RR-0017.*

"Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" АЖдаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида 2016 йил 1 февраль ҳолатига маълумот

Маиший хизмат

1-бино, 2-қават, 18-хона	54 кв.м

Бошқа турдаги

3-корпус, 2-қават	216 кв.м
1-корпус, 2-қават	54 кв.м
4-корпус, 2-қават 5 та хона ҳар бири 16,5 кв.м	82, 5 кв.м
Контейнер 1-сонли	15 кв.м
Контейнер 11-сонли	15 кв.м
Контейнер 6-сонли	15 кв.м
Контейнер 37-сонли	15 кв.м

"Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" АЖ
Манзили: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Автомобиль ҳалқа йўли.
Тел: 295-98-04, 295-96-52

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 - 3 даража совуқ, кундузи — 14-16 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6-8 февраль** ва **9 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.20

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ